Изоҳлар 1. Ошиқ мошқили татқиқувчи унсурлар учун, эгувчи моментлар элюраларининг симметрик синусоида-симон, параболасимон, полигонал ва уларга яқин бўлган шаклларида, ҳамда рафақли унсурлар учун M_d -ни қуйидаги ифода орқали аниқланиши керак

$$M_d = \frac{M}{\varphi} \quad (29)$$

бу ерда φ - унсурнинг эгилиши натижа-сида бўйлама кучдан пайдо бўладиган қушимча моментни ҳисобга олувчи, 1 дан 0, гача узгарувчи коэффициент бўлиб, қуйидаги ифода бўйича аниқланадиган

$$\varphi = 1 - \frac{N}{\varphi K l_p} \quad (30)$$

M ҳисобий кесимдаги, бўйлама кучдан пайдо бўладиган моментни ҳисобга олинмаган ҳолдаги эгувчи момент,

φ - 4.3 банднинг (8) ифодаси бўйича аниқланадиган коэффициент.

2. Ошиқ-мошиқли-таянувчи унсурларда эгувчи момент эпюралари учбурчакли ёки түтри бурчакли шаклга эга бўлган ҳолларда (30) ифода эҳкали аниқланган коэффициент ξ ни туғрилиовчи коэффициент k_n га купайтирилиши керак:

$$k_n = \alpha_n + \xi(1 - \alpha_n), \quad (31)$$

бу ерда α_n - эгувчи момент эпюралари учбурчак шаклида бўлганда (тўпланган кучлардан) 1,2га ва эпюраларнинг түтри бурчакли шаклларида (доимий эгувчи моментлардан) 0,81га тенг қилиб олиниши керак бўлган коэффициент

3. Носимметрик юклантирилган ошиқ-мошиқли-таянувчи унсурларда эгувчи момент M_n - нинг қийматини қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак:

$$M_n = \frac{M_c}{\xi_c} + \frac{M_k}{\xi_k}, \quad (32)$$

бу ерда M_c ва M_k - симметрик ва қиясимметрик тенг таъсир этувчи ҳклардан унсурнинг ҳисобий кесимида пайдо бўлувчи моментлар;

ξ_c ва ξ_k - бўйлама эгилишнинг симметрик ва қиясимметрик шаклларига мос келадиган эгилувчанликнинг қийматлари учун (30) ифода бўйича аниқланадиган коэффициентлар

4. (30) - ифодада кесим баландлиги бўйича узгарувчан бўлган унсурлар учун юза- F_{op} ни кесим баландлиги бўйича максимал бўлгани учун олиниши керак, коэффициент φ ни эса, 5-илова, 1-жадвал бўйича олинадиган k_{xN} -коэффициентга купайтирилиши керак

5. Эгилишдан пайдо буладиган зўриқишларни сиқилиш зўриқишларига нисбати 0,1 дан кам бўлганда, сиқилувчи-эгилувчи унсурларни (6)-ифода бўйича эгувчи моментларни ҳисобга олмаган ҳолда устиворликка ҳам ҳисобланиши керак.

4.18 Сиқилувчи-эгилувчи унсурларнинг ясси шаклда деформацияланишининг устиворликка ҳисоблашни қуйидаги ифода бўйича амалга ошириш керак.

$$\frac{N}{\varphi R_c F_{op}} + \left(\frac{M_d}{\varphi_n R_n F_{op}} \right)^n \leq 1 \quad (33)$$

бу ерда F_{op} - унсур I_n қисмидаги максимал ўлчамларли кесимининг брутто юзаси;

W_{op} - 4.14 бандга қаралсин;

$n=2$ - чўзилиш соҳаси деформацияланиш текислигидан маҳкамланма-

ган унсурлар учун ва $n=1$ шундай мустаҳкамлашлари бўлган унсурлар учун;

φ - деформацияланиш текислигидан унсурнинг I_n -ҳисобий узунлиқдаги қисми эгилувчанлиги учун (8)-ифода бўйича аниқланадиган бўйлама эгилиш коэффициенти.

φ_m (23)-ифода бўйича аниқланадиган коэффициент

Унсурда I_p - қисмда M моментдан чўзилган қирраси тарафдан деформацияланиш текислигида маҳкамланишлари бўлган тақдирда коэффициент φ_m ни (24) ифода бўйича аниқланадиган k_{pm} - коэффициентга, коэффициент- φ ни эса, қуйидаги ифода бўйича аниқланадиган k_{pn} -коэффициентга купайтириш керак:

$$k_{pn} = 1 + \left[0,75 + 0,005 \left(\frac{I_p}{n} \right)^2 + 0,005 \rho \frac{I_p}{n} - 1 \right] \frac{m^2}{m^2 + 1}, \quad (34)$$

бу ерда α_p, I_p, n ва m - 4.14 бандга қаралсин.

M моментдан чўзилган қирраси бўйлаб текислиқдан маҳкамланиши бўлмаган, кесимининг баландлиги бўйича узгарувчан унсурларни ҳисоблашда ёки $n \leq 4$ бўлганда (8) ва (23)-ифодалар бўйича аниқланадиган φ ва φ_m коэффициентларни қўшимча равишда мос ҳолда 5-илова, 1 ва 2-жадвалларда келтирилган k_{xN} ва k_{xM} коэффициентларга купайтириш керак.

$m \geq 4$ бўлганда $k_{xN} = k_{xM} = 1$

4.19 Тузилма сиқилувчи-чўзилувчи унсурларда, агар унинг ҳисобий узунлиги тармоғи қалинлигининг етти бараваридан ортиқ бўлса, энг кўп зўриккан тармоғининг устиворлигини қуйидаги ифода бўйича текширилиши керак:

$$\frac{N}{F_{op}} + \frac{M_d}{W_{op}} \leq \varphi_1 R_c, \quad (35)$$

бу ерда φ_1 - алоҳида тармоғи учун унинг ҳисобий узунлиги- l_1 бўйича ҳисобланган (4.6-бандга қаралсин) бўйлама эгилиш коэффициенти;

F_{op} , W_{op} - унсур кундаланг кесимининг брутто юзаси ва қаршилик моменти

Тузилма сиқилувчи-чўзилувчи унсурнинг эгилиш текислигидан устиворлигини эгувчи моментни ҳисобга олмасдан (6) - ифода бўйича текширилиши керак

4.20 Сиқилувчи-эгилувчи тузилма унсурнинг ҳар бую чокида текис жойлаштирилган боғловчилар кесиклари-

нинг сони L_0 , кўндаланг кучнинг бир хил ишорадаги эпюрали қисмида, сиқувчи кучни ҳамма қесим бўйича қўйилганида қўйидаги шартни қониқтириши керак

$$n_0 \geq \frac{L_{00} S_0}{T_1} \quad (36)$$

бу ерда S_0 - кўндаланг қесимнинг сил-житилаётган қисмини нейтрал ўққа нисбатан брутто статик моменти;

L_0 - унсур кўндаланг қесимининг брутто инерция моменти;

T_1 - битта боғловчининг шу чокдаги ҳисобий юк кўтариш қобилияти;

M_d - 4.17-банд бўйича аниқланадиган эгувчи момент

Еғоч конструкциялар унсурларининг ҳисобий узунликлари ва чегаравий эгилувчанликлари

4.21 Учлари бўйича бўйлама кучлар билан юклантирилган туғри чизикли унсурларнинг ҳисобий узунлигини аниқлаш учун, коэффициент n_0 - ни қўйидагича қабул ясалиши керак:

учлари ошик-мошиқли-маҳкамланганда, ҳамда унсурнинг оралиқ нукталарида ошик-мошиқли маҳкамланганда - 1;

бир учи ошик-мошиқли-маҳкамланган бошқа учи қистирилганда - 0,8;

бир учи қистирилган ва бошқа учи эркин юклантирилганда - 2,2;

иккала учи ҳам қистирилганда - 0,65

Бўйлама юкни унсурнинг узунлиги бўйича текис тарқатилган ҳолда, коэффициент n_0 - ни қўйидагича тенг қилиб олиниши керак:

иккала учи ошик-мошиқли маҳкамланганда - 0,73;

бир учи қистирилган ва бошқа учи эркин бўлганда - 1,2.

Кесишув жойида узаро бириктирилган унсурларнинг ҳисобий узунлигини қўйидагича тенг қилиб олиниши керак:

а) конструкция текислигидан устиворлигини текислигидан боғламнинг марказидан унсурларнинг кесишиш нуктасигача бўлган масофага;

б) конструкция текислигидан устиворлигини текислигидан

а) иккита сиқилган унсурлар кесишган тақдирда унсурнинг бор узунлигига;

б) сиқилган унсурни ишламайдигани билан кесишганида тақдирда n_0 -коэффициентга қўпайтирилган L_0 катталигига

$$L_0 = \frac{L}{n_0} \quad (37)$$

бу ерда L_0, L_1, F_1 - сиқилган унсурнинг тўла узунлиги, эгилувчанлиги ва кўндаланг қесим юзаси;

L_0, L_1, F_1 - ишламайдиган унсурнинг узунлиги, эгилувчанлиги ва кўндаланг қесим юзаси

n_0 нинг катталигини камида 0,5 қабул қилиш лозим;

в) сиқилган унсурнинг, катталиги бўйича тенг бўлган куч таъсирида чўзилгани билан қесишган тақдирда сиқилган унсурнинг, тугун марказидан унсурларнинг кесишиш нуктасигача ўлчанадиган, энг катта узунлигига.

Агар кесишувчи унсурлар түзилма қесимдан иборат бўлса, унда (37) ифодада эгилувчанлигининг, (11) ифода бўйича аниқланадиган, мос қийматларини қўйиш лозим

4.22 Еғоч конструкцияларда унсурлар ва уларнинг алоҳида тармоқларининг эгилувчанлиги 14-жадвалда кўрсатилган қийматларидан ортиб кетмаслиги керак.


Фанерни еғоч билан елимлаб ясалган унсурларни ҳисоблашнинг узига ҳос ҳусусиятлари

4.23 Фанерни еғоч билан елимлаб ясалган унсурларни ҳисоблаш келти-

14 - жадвал

Конструкциялар унсурларининг номи	Чегаравий эгилувчанлик λ_{max}
1. Фермаларнинг сиқилган белбоқлари, таянч каш шакллари ва таянч устунлари, колонналар	120
2. Фермалар ва бошқа шакллар конструкцияларнинг бўлак сиқилган унсурлари	150
3. Боғловчиларнинг сиқилган унсурлари	200
4. Фермаларнинг текисликдаги чўзилган белбоқлари	150
5. Фермалар ва бошқа шакллар конструкцияларнинг бўлак чўзилган унсурлари	200
Электрүзатувнинг ҳаво тармоғи таянчлари учун	
6. Асосий унсурлар (устунлар, тиррамалар, таянч кашшакллари)	150
7. Бошқа элементлар	175
8. Боғловчилар	200

Изоҳ. Узгарувчан қесимли сиқилган унсурлар учун λ_{max} чегаравий эгилувчанлигининг катталикларини, қаврдаки λ_{max} 5-илованинг 1-жадвалидан қабул ясауви, λ_{max} қийматига қўпайтирилади



3-рәсм. Фанер ва ёғочдан елиmlаб ясалган тахталарнинг кўндаланг кесими
1- буйлама қовурғалар; 2- қоплама

рилган кўндаланг кесим услуби бўйича бажарилиши керак.

4.24. Тахта ва панелларнинг чўзилган фанер қопламаларининг мустаҳкамлигини қуйидаги ифода бўйича текширилиши керак:

$$\frac{M}{W_{\phi}} \leq m_{\phi} R_{\phi} \quad (38)$$

бу ерда M -ҳисобий эгۈвчи момент;
 R_{ϕ} -фанернинг чўзилишга бўлган ҳисобий қаршилиги;

m_{ϕ} - фанер қопламаларнинг туташуш жойларида ҳисобий қаршиликларни па-
санлигини ҳисобга олувчи коэффициент булиб, мўйловли бирикмаларда ёки ик-
китомонлама қопламаларда қуйидаги-
ча қабул ясалади: одатдаги фанерлар
учун $m_{\phi}=0,6$ ва бакелизирланган фа-
нерлар учун $m_{\phi}=0,8$. Чоклари мавжуд
бўлмаганда $m_{\phi}=1$;

W_{ϕ} - 4.25-банд кўрсатмаларига му-
вофиқ аниқланиши керак бўлган кўнда-
ланг кесимнинг фанерга келтирилган
қаршилиқ momenti.

4.25. Фанерни ёғоч билан елиmlаб
ясалган унсурлар кўндаланг кесимининг
келтирилган қаршилиқ momenti
қуйидаги ифода бўйича аниқланиши
керак

$$W_{\phi} = \frac{I_{\phi}}{y_{\phi}} \quad (39)$$

бу ерда y_{ϕ} - келтирилган кесимнинг
оғирлиқ марказидан қопламанинг паст-
ки қиррасигача бўлган масофа;

I_{ϕ} - фанерга келтирилган кесимнинг
инерция momenti;

$$I_{\phi} = I_{\phi} + I_{\phi} \frac{E_{\phi}}{E_{\phi}} \quad (40)$$

бу ерда I_{ϕ} -фанер қопламалар кўнда-
ланг кесимининг инерция momenti,
 I_{ϕ} - синчининг ёғоч қовурғалари кўнда-
ланг кесимининг инерция momenti,
 E_{ϕ}/E_{ϕ} - ёғоч ва фанернинг эластиклик
модуллари нисбати.

Келтирилган инерция моментлари
ва келтирилган қаршилиқ моментлар-
ни аниқлашда фанер қопламалар-
нинг ҳисобий кенглигини $l \geq 6a$ бўлган-
да $b_{\text{ҳисб}} = 0,9b$ га ва $l < 6a$ бўлганда
 $b_{\text{ҳисб}} = 0,15 \frac{l}{a} b$ га тенг қилиб олиниши
керак

(b -тахта кесимиининг тула кенглиги, l -
тахта оралиғи, a -ўқлари бўйича бўйла-
ма қовурғалар орасидаги масофа).

4.26. Тахта ва панеллар сиқилган
қопламасининг устиворлигини қуйидаги
ифода бўйича текширилиши керак:

$$\frac{M}{F_{\phi}} \leq R_{\phi} \quad (41)$$

бу ерда $\frac{a}{\delta} \geq 50$ бўлганда $\varphi_{\phi} = \frac{1250}{(a/\delta)^2}$;

$\frac{a}{\delta} < 50$ бўлганда $\varphi_{\phi} = \frac{(a/\delta)^2}{5000}$;

(a -қовурғалар орасидаги соф масофа,
 δ -фанернинг қалинлиги).

Тахтанинг устки қопламасини, қушимча равишда, $R=1$ кН (100 кгк) ($n=1,2$ орттирма юкланиш коэффициентли) бўлган тўпланган юкдан маҳаллий эгилишга, елимланган жойларида қовурғаларга киргизиб қотирилган лап-пакча каби текширилиши керак

4 27. Тахта ва панеллар синчи қовурғаларининг еки қопламанинг, унинг қовурғаларга туташуш жойидаги чоки бўйича ерилишишнни текширишни куйидаги ифода бўйича амалга ошириш керак


$$\frac{G}{L \cdot b} < R \quad (42)$$

бу ерда G - ҳисобий кундаланг куч,

$S_{пр}$ - келтирилган кесимнинг силжувчи қисмини нейтрал ўққа нисбатан статик моменти;

R_c - егочнинг толалари бўйлаб еки фанернинг ташқи қатламлари толалари бўйлаб ерилишга ҳисобий қаршилиги, $b_{кис}$ - кесимнинг, синч қовурғаларининг кенгликлари ийгиндисига тенг қилиб олинандиган ҳисобий кенглиги.

4 28. Фанер деворчали қўштанр ва қутисимон кесимли эгилувчи унсурларни (4-расм) мустаҳкамликка ҳисоблаш-ни $W_{кисс} - W_{пр}$ қилиб олиб (17)-ифода бўйича амалга оширилиши керак, бунда қўзилувчи белбоғдаги қўланиш R_n дан, сиқилувчи белбоғидаги R_n дан (n - эгилиш текислигидан ташқарига бўйлама эгилиш коэффициенти) ортиб кетмаслиги керак



4-расм Ясси фанер деворчали елимланган тўсинларнинг кундаланг кесимлари

а) - қўштанр кесимли, б) - қутисимон кесимли

КМК 2.03.08-98 15-бет

4 29. Деворини нейтрал ўқ бўйича қирқилишга текширишда (42) ифодадаги $R_{кис}$ нинг қийматини $R_{ф}$ га, ҳисобий кенглиги $b_{кисб}$ ни куйидагига тенг қабул ясалади

$$b_{кисб} = \sum b_{сч} \quad (43)$$

бу ерда $\sum b_{сч}$ - деворчалар қалинликларининг ийгиндиси.

Белбоғлари ва деворчалари орасидаги чоклар бўйича ерилишга текширишда (42) ифодада $R_{пр} - R_{ф,пр}$ кесимнинг ҳисобий кенглигини эса

$$b_{кисс} = n \cdot b_n \quad (44)$$

қилиб олинади,

бу ерда b_n - белбоғлар баландлиги,

n - вертикал чоклар сони.

4 30. Қўшганр ва қутисимон кесимли эгилувчи унсурларлар деворчасининг ҳафрли кесими мустаҳкамлигини бош қўзғувчи қўланишларга куйидаги ифода бўйича текширилиши керак

$$\sigma_{сч} = \sqrt{\left(\frac{\sigma_{сч}}{2}\right)^2 + \tau_{сч}} < R_{кисс} \quad (45)$$

бу ерда $R_{кисс}$ - 6-илова, 17-расмдаги график бўйича аниқланадиган фанернинг α , бурчак остида қўзғилишга ҳисобий қаршилиги,

$\sigma_{сч}$ - деворчадаги, белбоғларнинг ички еки сатҳида эгилишдан пайдо бўладиган нормал қўланишлар,

$\tau_{сч}$ - деворчадаги, белбоғларнинг ички еки сатҳидаги уринма қўланишлар,

α - куйидаги боғланишдан аниқланадиган бурчак

$$\alpha = \arctan \frac{h_n}{b_n} \quad (46)$$

Ташқи қатламлар толалари унсур ўқиға нисбатан бўйламасига жойлашган деворчанинг устинорлигини, куйидаги шарт мажбур бўлган ҳақдирда уринма ва нормал қўланишлар таъсиринга текширилиши керак

$$\sigma_{сч} < 50 \quad (47)$$

бу ерда $R_{кисс}$ - деворчанинг ички тоқчалари оқлари орасидаги баландлиги,

b_n - деворчани қалинлиги

Ҳисоблов куйидаги ифода бўйича амалга оширилиши керак

$$\frac{h_n}{b_n} = \frac{h_n}{b_n} \cdot \frac{1000}{h_n} \cdot \frac{1}{1000} \quad (48)$$

бу ерда h_n ва b_n - 5-илова 18,19-расмлардаги графиклар бўйича аниқланадиган коэффициентлар,

16-бет КМК 2.03.08-98

$h_{\text{хисб}}$ - деворчанинг қозурғалари орасидаги масофа $a \geq h_{\text{дав}}$ бўлганда $h_{\text{дав}}$ га тенг қилиб ва $a \leq h_{\text{дав}}$ бўлганда a га тенг қилиб олиниши керак бўлган ҳисобий баландлиги.

Фанер деворчанинг ташқи толлари унсур ўқига нисбатан кундаланига жойлашгандаги устиворлигини (48)-ифода бўйича фақат уринма кучланишларга таъсирлиши керак, шундай ҳолдаки, қачонки:

$$\frac{h_{\text{хисб}}}{s} > \chi_1 \quad (49)$$

Б. ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ГУРУҲ ЧЕГРАВИЙ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Ёғоч конструкциялар ёқни уларнинг айрим унсурлари деформацияларини бирикмаларнинг силжиши ва қайишқоқлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Қайишқоқ бирикма деформациясининг қийматини, унинг юк кутариш қобилиятидан тўла фойдаланилганда 15-жадвал бўйича, тўла эмасида эса - бирикмага таъсир этаётган зўриқишга пропорционал қилиб олиниши керак.

15 - жадвал	
Бирикмаларнинг тури	Бирикмалар деформацияси, мм
Рўпарам-рўпара ўйма киргизмалари ва учма-уч	1,5
Барча турдаги миҳчулларда	2,0
Толаларига кундаланига туташувларда	3,0
Елимлилма бирикмаларда	0,0

4.32 Конструкциялар унсурларининг салқиликлари ва силжишлари КМК 2.01.07-96 да белгиланган чегаравий қийматларидан ортиб кетмаслиги керак.

4.33 Эгилувчи унсурларнинг салқилигини брутто кундаланг кесим инерция моменти бўйича аниқланиши керак. Тузилма кесимлар учун инерция моментини кўчурган бирикмалар силжишини ҳисобга олиб 13-жадвалда келтирилган $k_{\text{эл}}$ га кўпайтирилади.

Доимий ва ўзгарувчан кесимли ошiq-мошiqли таянган ва рафакли эгилувчи унсурларнинг энг катта салқилиги f қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак.

$$f = \frac{f_0}{k} \left[1 + \left(\frac{h}{l} \right)^2 \right] \quad (50)$$

бу ерда f_0 - баландлиги h бўлган доимий кесимли тўсиннинг силжиш деформациясини ҳисобга олмаган ҳолдаги салқилиги,

h - кесимнинг энг катта баландлиги,

l - тўсин оралиғининг узунлиги;

k - кесим баландлигининг ўзгарувчанлиги таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент бўлиб, ўзгармас кесимли тўсинлар учун 1 га тенг қилиб олинади,

s - кундаланг кучдан силжиш деформацияси таъсирини ҳисобга олувчи коэффициент

k ва s коэффицентларнинг қийматлари тўсинларнинг асосий қисбий шакллари учун 5-илловадаги 3-жадвалда берилган

4.34 Фанерни ёғочга елимлаб ясалган унсурларнинг салқилигини, кесим бикирлигини 0,7 $E_{\text{фр}}$ га тенг қилиб олиб аниқланиши керак. Салқиликни аниқлашда панеллар қопламаларининг ҳисобий кенглигини 4.25-банд кўрсатмаларига мувофиқ қабул ясалади.

4.35 Симметрик юклантирилган ошiq-мошiqли таянган сиқилиб-эгилувчи унсурларнинг ва рафакли унсурларнинг салқилиги қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак

$$f = \frac{f_0}{k} \quad (51)$$

бу ерда f_0 - (50)-ифода бўйича аниқланадиган салқилик,

k - (30)-ифода бўйича аниқланадиган коэффициент

5. ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИ БИРИКМАЛАРИНИ ҲИСОБИЛАШ

Умумий кўрсатмалар

5.1 Бирикмага (боғловчига) таъсир этаётган зўриқиш бирикманинг (боғловчининг) ҳисобий юк кутариш қобилияти T дан ортиб кетмаслиги керак.

5.2 Эзилиш ва ерилишга ишловчи бирикмаларнинг ҳисобий юк кутариш қобилияти қуйидаги ифодалар орқали аниқланиши керак.

$$a) \text{ ёғочнинг эзилиш шартидан } T = R_{\text{эл}} F_{\text{эл}} \quad (52)$$

$$b) \text{ ёғочнинг ерилиш шартидан } T = R_{\text{ер}} F_{\text{ер}} \quad (53)$$

бу ерда $F_{\text{эл}}$ - эзилишнинг ҳисобий юзаси,

$F_{\text{ер}}$ - ерилишнинг ҳисобий юзаси,

$R_{\text{эл}}$ - ёғочнинг, толаларни пўналишнинг бурчак остида эзилишга ҳисобий қаршилиги,

R_{Σ} - ёғочнинг, 5.3-бандда аниқланадиган, толалар бўйлаб ёрилишига ёрилиш майдончаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилиги

5.3. Ёғочнинг ёрилишга ёрилиш майдончаси бўйича ўртача ҳисобий қаршилиги қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак

$$R_{\Sigma} = \frac{R_{\Sigma}}{l_{\Sigma} \cdot e} \quad (54)$$

бу ерда R_{Σ} - ёғочнинг толалари бўйлаб ёрилишга ҳисобий қаршилиги (энг катта кучланиш бўйича ҳисоблашда),

l_{Σ} - синиш текислигининг ҳисобий узунлиги бўлиб, унсурга киритиш уйиғи чуқурлигининг 10 бараваридан катта бўлмаган қилиб олинади;

e - ёрувчи кучларнинг олқаси бўлиб, унсурлар ораси тирқишсиз бўлган бирикмаларда носоимметрик уйиқли унсурларни ҳисоблаганда 0,5*h* га (5,а-расм) ва симметрик уйиқли симметрик юклантирилган унсурларни ҳисоблаганда 0,25*h* га (5,б-расм) тенг қилиб олинади (*h* - унсур қундаланг кесимининг тула баландлиги);

ρ - 5,г-расмда курсатилган шакл бўйича ишлайдиган бирикмаларни ҳисоблаганда 0,25 га ва агар ёрилиш текислиги бўйича қилиниш таъминланган бўлса 5,в-расмдаги шаклга биноан ишлайдиган бирикмаларни ҳисоблаганда ρ к 0,125 қилиб олинадиган коэффициент

l_{Σ}/e нисбат 3 дан кам бўлмаслиги керак

5.4. Конструкцияларни ҳисоблаганда елимли бирикмаларга ноқайишқок бирикмалар деб қаралиши керак.

5.5. Елимли бирикмалар:

а) тишли бирикмалардаги айрим қатламларини туташтиришда (6,а-расм),


б) кесимнинг баландлиги ва кенглиги бўйича қатламларни ёпиштириб бириктириш йули билан яхлит кесимларини (тахларини) ҳосил қилиш учун

Бунда тахнинг кенлиги бўйича, қушни қатламлардаги қирраларни елимланиш чокларини, бир бирига нисбатан қатлам қалинлиги 8 дан кам бўлмаган қийматга силжитилиши керак (6,б-расм),


в) кесимнинг бутун баландлиги бўйича тишли турумга бурчак остида бириктириладиган елимланган тахларни туташтириш учун (6,в-расм).


Бурчак остида туташтириладиган унсурларнинг уқлари орасидаги ички бурчагининг қиймати 104° дан кам бўлмаслиги керак

5.6. Муйловли бирикувни қўллаш ташқи қатлами толаси бўйлама бўлган фанерлар учун руҳсат этилади. Муйловли бирикүүлارнинг узунлигини туташтирилувчи унсурлар қалинлиги 10 бараваридан кам олмай қабул ясалиши керак



5-расм. Бирикмалар унсурларидаги қирғизиш уйиқлари
а- носоимметрик, б- симметрик, в, г - бирикмалардаги ёрилиш шакллари





6-рasm. Елимли бирикмалар

а- айрым қатламларни узунлиги буйлаб қатламга чиқиб турувчи тишли турум билан туташтирилганда; б- тахлар ҳосил қилишда ҳамда қатлами ва қирраси буйича елиштириб бирикгиришда; в- елимланган унсурларни бурчак остида тишли турум билан туташтирилганда

5.7. Унсурларда елимланган қатламлар қалинлигини, қуйидагига биноан, 33 мм дан катта қилиб олинмаслиги керак. Тўғри чизикли унсурларда қатламлар қалинлиги, буйлама тешиклар қолдириш шarti билан, 42 мм гача бўлиши руҳсат этилади.

5.8. Фанерни ёғоч билан елимлаб ясаладиган унсурларда тахталарни, уларни фанер билан елимлашда 100 мм дан катта ва унсурларни 30° дан 45° гача бурчак остида бириктирилганда 150мм катта кенгликда қўлламаслик лозим.

Киргизма уймали бирикмалар

5.9 Рупарама-рупара киргизма уймали чоркирра ва думалоқ ёғочлардан ясалган унсурларнинг бирикма тугунларини бир тишли қилиб бажарилиши керак (7-рasm).


Уйиқлардаги ишчи эилиш текислиги, кўндаланг эгилишини сезмайдиган унсурларни бириктирилганда тугашади-

ган сиқилган унсурнинг уқига тик жойлашгани керак. Агар туташувчи унсур сиқилишдан ташқари яна кўндаланг эгилишга дучор бўлса, уйиқлардаги ишчи эилиш текислигини ўқ буйлаб ва кўндаланг кучларнинг тенг таъсир этувчисига тик жойлаштириши керак.

Рупарама-рупара киргизма уйма бирикмали унсурлар боллар билан тортиланг бўлиши керак.

5.10. Рупарама-рупара киргизма уймаларни ерилишга ҳисобий қаринлиги 5-банднинг 3-жадвали буйича қабул қилиб, 5.2 ва 5.3 бандлар кўрсатмаларига биноан ҳисобланиши керак.

5.11 Рупарама-рупара киргизма уймалар ерилиш текислигининг узунлигини 1,5h дан кам бўлмаган миқдорда қабул ясалиши керак, бу эрда h ерилаган унсур кесимининг тўла баландлиги.



7-Расм Якка тишли рупарама-рупара киргизма уйма

Рупарама-рупара киргизма уйма чуқурлигини шапарак конструкцияларнинг оралик тугунларида $1/4$ h дан қолган ҳолларда $1/3$ h дан ошиб қилмай олиниши керак, бунда рупарама-рупара киргизма уймалар чуқурлиги h чорқирра гулаларда 2 см дан кам бўлмаслиги думалок еғочларда эса 3 см дан кам бўлмаслиги керак.

5.12 Якка тишли рупарама-рупара киргизма уймаларни эзилишга ҳисоблашни эзилиш текислиги бўйича амалга оширилиши керак (7-расмга к). Еғочнинг эзилиш бурчаги α ни, эзувчи зурриқли йўналиши ва унсурнинг эзиладиган толаси орасидаги бурчакка тенг қилиб олиниши керак.

Рупарама-рупара киргизма уймалар учун еғочнинг толаларига бурчак остида эзилишга ҳисобий қаршилиги эзилиш майдони ўлчамларидан қатъий назар 3-жадвалнинг 2 изоҳидаги (2)-ифода бўйича аниқланиши керак.

Цилиндрсимон миҳчўпли бирикмалар

5.13 Қараган ва арчадан ясалган унсурлар бирикмаларида (8-расм) цилиндрсимон миҳчўпнинг битта епишиб бириқиш чокида ҳисобий юк кўтариш қобилияти зўриқишлар миҳчўплар орқали толалар бўйлаб бўлганда ва миҳлар орқали ҳар қандай бурчак остида ўзгайиладиганда 16-жадвал бўйича аниқланиши керак. Зарур бўлган ҳолларда цилиндрсимон миҳчўпнинг 16-жадвал бўйича аниқланган ҳисобий юк кўтариш қобилиятини 5.15-банд қур-

сатмаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

5.14 Цилиндрсимон миҳчўпларнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини, зўриқиш миҳчўп орқали толаларига бурчак остида ўзгайилганда 5.13 бандга биноан қуйидагиларга қўпатириш билан аниқланиши керак.

а) еғочнинг миҳчўп уясидаги эзилишни ҳисоблаганда, k , коэффициентга (18-жадвал).


б) миҳчўпни эгилишга ҳисоблаганда қийматга, α -бурчакни қуриладиган чокка ёндош унсурларни миҳчўп билан эзилиши бурчакларининг каттасига тенг қилиб олиниши керак.

5.15 Бошқа зотдаги еғочлардан ясалган конструкциялар унсурларининг бирикмаларида миҳчўпларнинг ҳисобий юк кўтариш қобилияти, эксплуатация ясаилишининг турли шароитларида, кўтарилган ҳарорат шароитларида фақат доимий узоқ муддатли вақтинчалик юклар таъсир этганида, 5.13 ва 5.14-бандлар қўрсатмаларига биноан қуйидагиларга қўпатириб аниқлалади:

а) миҳчўпни бирикмаларни миҳчўп уясида еғочнинг эзилиш шартидан қелиб чиқиб ҳисоблаганда 4-, 5-, 8-жадваллар ва 32,6 ва 32,8 бандлар бўйича мос коэффициентларга;

б) миҳчўпни бирикмани миҳчўпнинг эгилиш шароитидан қелиб чиқиб ҳисоблаганда шу коэффициентнинг квадрат илдиэдан чиқарилганига.

5.16 Болтлар ёки сидирға бўлмаган цилиндрсимон миҳчўпли пулат қопла-



8-расм. Михчўпли бирикмалар
а-симметрик; б-носимметрик

16-жадвал

Бирикмаларнинг шакллари	Бирикмаларнинг зуриктирилган ҳолати	Битта елишиб бирикиш чокида (шартли қиркма) T ҳисобий юк кўтариш қобилияти кН (кгк)	
		михнинг, пўлат, алюминий, стеклопластик михчўплнинг	эман михчўпл- нинг
1. Симметрик бирикмалар (8,а-расм)	а) Урта унсурлардаги эзилиш б) Четки унсурлардаги эзилиш	$0,5cd$ (50 cd) $0,8cd$ (80 cd)	$0,3cd$ (30 cd) $0,5cd$ (50 cd)
2. Носимметрик бирикмалар (8,б-расм)	а) Қалинлиги тенг бўлган ҳамма унсурларда, ҳамда бир қирқувлик бирикмаларнинг қалинлиги каттароқ бўлган унсурларидаги эзилиш б) Икки қирқмали бирикмалардаги қалинлиги каттароқ урта унсурдаги эзилиш $a \leq 0,5c$ бўлганда в) Қалинлиги юқароқ четки унсурлардаги эзилиш $a \leq 0,35c$ бўлганда г) Бир қирқмали бирикмалардаги қалинлиги юқароқ унсурларда ва четки унсурлардаги эзилиш $c > a > 0,35c$ бўлганда	$0,35cd$ (35 cd) $0,25cd$ (25 cd) $0,8cd$ (80 cd) $k_{II} ad$	$0,2cd$ (20 cd) $0,14cd$ (14 cd) $0,5cd$ (50 cd) $k_{II} ad$
3. Симметрик ва носимметрик бирикмалар	а) Михнинг эзилиши б) С38/23 пўлатдан ясалган михчўпллар эзилиши в) Д16-Т алюминий қотишмасидан ясалган михчўпллар эзилиши	$2,5u^2 + 0,05u^3$ ($25u^2 + u^3$), аммо 400 дан (400 kg) катта эмас $1,5u^2 + 0,05u^3$ ($15u^2 + u^3$), аммо $2,500$ дан (250 kg) катта эмас $1,5u^2 + 0,05u^3$ ($15u^2 + u^3$), аммо $2,200$ дан (220 kg) катта эмас	- - -

Бирикмаларнинг шакллари	Бирикмаларнинг зўриктирилган ҳолати	Битта епиниб бириктирилган чокда (шартли киркма) 7 ҳисобий юк кўтариш қобилияти KH (кг)	
		михнинг, пўлат, алюминий, стеклопластик михчўпнинг	эман михчўпнинг
	г) АГ-4С стеклопластикдан ясалган михчўплар эгилиши	$115d^2 + 102z^2$ ($145d^2 + 2z^2$), аммо $1,8d^2$ дан ($180 d^2$) катта эмас	
	д) ДСПБ катлами ёғоч-пластикадан ясалган	$115d^2 + 102z^2$ ($145d^2 + 2z^2$), аммо d^2 дан ($100 d^2$) катта эмас	
	е) Эман михчўплар эгилиши		$0,45d^2 + 102z^2$ ($45d^2 + 2z^2$), аммо $0,65d^2$ дан ($65 d^2$) катта эмас

Изоҳлар: 1-жадвалда c - ўрта ўнсурлар, ҳамда қалинлиги буйича тенг еки бир қирқмали бирикмаларнинг қалинлиги кўтироқ ўнсурлари қалинлиги, d - михчўпнинг диаметри, ҳамма ўлчамлар, см да, а - четан ўнсурлар, ҳамда бир қирқмали бирикмаларнинг қалинлиги кўтироқ ўнсурлари қалинлиги

2-Икки қирқмали носоимметрик бирикмаларда, ўнсурлар қалинлиги бир хил бўлмаган ҳолдаги михчўпнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини қўйдоғиларни ҳисобла олган ҳолда аниқланиши керак

а) Қалинлиги c бўлган ўрта ўнсурдаги эгилиш шартидан келиб чиқиб, a -нинг c ва $0,5c$ оралиғидаги оралиқ қийматларидаги михчўпнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини жадвалнинг 2а ва 2б бандлари бўйича қийматлар оралиғида интерполляция оралиқ аниқланиши керак

б) четан ўнсурлар қалинлиги a ва b бўлгандаги михчўпнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини жадвалнинг 2а банди бўйича c ни a ва b оралиғидаги аниқланиши керак

в) михчўпнинг эгилиш шартидан келиб чиқиб ҳисобий юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаганда, жадвалнинг 3-бандида четан ўнсур қалинлиги a ва b ни $0,6$ дан катта бўлмаган қилиб олиниши керак

3-Бир ўлчамли бирикмаларнинг қалинлиги юқароқ ўнсурларидаги ва носоимметрик бирикмаларнинг четан ўнсурларидаги қалинлиги $c = 0,35$ бўлишида ҳисобий юк кўтариш қобилиятини аниқлаш учун K_d коэффициентларнинг қийматларини 17-жадвалда кўтирилган

4-Кўрилатган чокдаги михчўпнинг ҳисобий юк кўтариш қобилиятини 16-жадвалдаги инфодалар бўйича олинган ҳақиқ қийматларидан кичинга тенг қилиб олиниши керак

5-Агар 5 18 ва 5 22 бандларга мувофиқ михчўпларни жойлаштириш шартлари бажарилган бўлса, михчўп бирикмаларнинг ерилишига ҳисобланиши керак эмас

6-Михчўплар диаметри d ни унинг эгилиш буйича юк кўтариш қобилиятидан энг кўп тўта фойдаланиш шартидан келиб чиқиб белгиланиши керак

7-Михчўплар сонини n , ни, михчўпнинг таъқари симметрик бирикмаларда қўйидаги инфодалар бўйича аниқланиши керак

$$n = \frac{N}{T_{\text{н}}}$$

(55)

бу ерда N - ҳисобий зўриштиш

T - 16-жадвал инфодалари бўйича топилиш энг кичик ҳисобий юк кўтариш қобилияти

$n_{\text{н}}$ - битта михчўпнинг ҳисобий чоклари сонини


Михчўпнинг тури	а/с бўлгандаги бир қирқмали бирикма учун K_d коэффициентнинг қийматлари						
	0,35	0,5	0,6	0,7	0,8	0,9	1
Мих пўлат, алюминий ва стеклопластик михчўп	0,8 0,6	0,8 0,6	0,4 0,4	0,6 0,4	0,9 0,6	0,7 0,7	0,9 0,5
Эман михчўп	0,5 0,5	0,3 0,3	0,4 0,4	0,8 0,8	0,3 0,3	0,2 0,2	0,2 0,2

Изоҳ. Маъражада K_d да K_d нинг T учун қийматлари кўрсатилган

Бурчак, град	A ₀ - коэффициент				эман михчўплар учун
	пўлат, алюминий ва стеклопластик михчўрларнинг қуйидаги диаметри учун, мм				
	12	16	20	24	
30	0,95	0,9	0,9	0,9	1
60	0,75	0,7	0,65	0,6	0,8
90	0,7	0,6	0,55	0,5	0,7

Изоҳлар: 1. K_0 - коэффициентнинг қийматлари оралиқ бурчаклар учун интерполяция орқали аниқланади. 2. Бурчак остида эзилишга ишлайдиган қалинлиги қатта ўнсурлар учун, бир қирқмалли бирикмаларни ҳисоблаганда K_0 -нинг қийматини: $c/a < 1,5$ бўлганда 0,9 ва $c/a \geq 1,5$ бўлганда 0,75 қўшимча коэффициентларига қўлайтирилиши керак.

гич ва қистирмаси бўлган михчўпли бирикмани (9-расм), михчўплар қўйилишининг зарурий зичлиги таъминланган ҳоллардагина қўллашга руҳсат этилади. Сидирга бўлмаган цилиндрсимон пўлат михчўпларнинг еғочга кирган қисми михчўпнинг 5 диаметридан кам бўлмаган чуқурликка эга бўлиши керак.



9-расм. Пўлат қоплагичли михчўпли бирикмалар

а-болтларда; б-сидирга бўлмаган цилиндрсимон михчўпларда

Пўлат қоплагичи ва қистирмаси бўлган михчўпли бирикмалар 5.13-5.15 бандларга биноан ҳисобланиши лозим бўлиб, эгилиш шартидан ҳисоблашда (3-банд, 16-жадвал) михчўпнинг энг катта юк қўтариш қобилияти қабул ясалиши керак.

Пўлат қоплагич ва қистирмаларни кучсизланган кесим бўйича чўзилишга ва михчўп остида эзилишга текширилиши керак.

5.17 Бир хил материалдан ясалган, аммо диаметри ҳар хил бўлган цилиндрсимон михчўпли бирикмаларнинг юк қўтариш қобилиятини, пасайтирувчи коэффициент-0,9 киритиладиган чўзилган туташма чокларини ҳисобга киритмасдан барча михчўплар юк қўтариш қобилиятининг ийғиндиси сифатида аниқланиши керак.

5.18 Цилиндрсимон михчўпларнинг ўқлари орасидаги, еғоч толалари бўйлаб S_1 , толаларига қўндалангига S_2 ва ўнсурнинг қиррасидан S_3 масофани (10-расм) қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда олиниши керак.

пўлат михчўплар учун $S_1 = 7d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$,

алюминий ва стеклопластик михчўплар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3,5d$, $S_3 = 3d$,

эман михчўплар учун $S_1 = 5d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$.


Тахлар қалинлиги b , $10d$ дан кичик бўлганда (10-расм) қуйидагича олишга руҳсат этилади:

пўлат, алюминий ва стеклопластикли михчўплар учун $S_1 = 6d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$,

эман михчўплар учун $S_1 = 4d$, $S_2 = 3d$, $S_3 = 2,5d$.

5.19 Чўзилган туташма чокларида михчўпларни икки еки гурт бўйлаб қаторда жойлаштирилиши керак, юмалоқ еғоч материаллардан ясалган конструкцияларда михчўплар ўқлари орасидаги масофани толалар бўйлаб $2S_1$, толаларига қўндалангига эса, $S_2 = 2,5d$ қилиб, икки қаторда шахмат қўринишида жойлаштиришга руҳсат этилади.

5.20 Мих ўчининг ҳисобий киритилиш ўзунлигини аниқлашда $1,5d$ ўзунликдаги михнинг ўтқирланган учини ҳи-



10-расм Михчўпларни жойлаштириш
а - тўғри, б - шахмат қурилишида

собга олинмаслиги керак, ундан ташқари бириктирилаётган унсурлар орасидаги ҳар бир чокда мих ўзўнлигидан 2 мм дан айириб ташланиши керак.

Агар мих ўчининг киритилиш ўзўнлиги $4d$ дан кичик бўлса, унга туташадиган чокдаги ўнинг иши ҳисобга олиниши керак эмас.

Мих тахдан эркин чиққанида охириги унсурнинг ҳисобий қалинлигини $1,5d$ га камантирилиши керак (11-расм).

Михларнинг диаметрини тешиладиган унсурлар қалинлигининг $0,25$ дан катта бўлмаган қилиб қабул ясалиши керак.

5.21 Михларнинг ўқлари орасидаги масофани ёғоч толаси бўйламасига қўйидагидан кам бўлмаган қилиб олиниши керак.

тешиладиган унсур қалинлиги $c \geq 10d$ бўлганида $S_1 = 15d$,

тешиладиган унсур қалинлиги $c < 4d$ бўлганида $S_1 = 25d$.

Қалинлик C нинг оралик қийматлари учун энг кам масофа интерполялаб аниқланиши керак.

Михлар сидра тешиб ўтмайдиган унсурлар учун, уларнинг қалинлигидан қатъий назар михлар ўқлари орасидаги масофани $S_1 \leq 15d$ га тенг қилиб олиниши керак.

Ёғоч толасининг бўйламаси бўйича михдан унсурнинг чеккасигача бўлган

масофа барча ҳолларда камида $S_1 = 15d$ олиниши керак.

Ёғоч толасига қўйидагидан михлар ўқлари орасидаги масофа михлар тўғри жойлаштирилганда камида $S_2 = 4d$ қилиб олиниши керак, шахмат қурилишида жойлашганда ёки уларни $\alpha \leq 45^\circ$ бурчак остида қия каторли қилиб жойлаштирилганда (12-расм) масофа $3d$ гача камантирилиши мумкин.

Михларнинг четки каторидан унсурнинг бўйлама қиррасигача бўлган масофа S_3 ни камида $4d$ қилиб олиниши керак.


Илоҳ. Осина, ольха ва терақдан ясалган унсурларда ёғоч толасининг бўйламаси бўлаб михлар орасидаги масофани юқорида қўйидагидан нисбатан 50% га қўйиштирилиши керак.

5.22 Силжиган ишловчи михчўплар сифатида бурама мих ва глухарларни пулат қоплагичли ва бакелизирланган фанердан ясалган қоплагичли бир қирқмалли бирикмаларда қўллашга руҳсат этилади. Бурама михлар ўқлари орасидаги масофани, 5.18-банд қўрсатмалари бўйича, пулат цилиндрсимон михчўплар учун каби қабул ясалиши лозим.

5.23 Бурама михлар ва глухарларнинг, уларнинг қўсик бўлмаган қисмини ёғочга камида икки диаметрға киритилган ҳолдаги юк кўтариш қўбилантириши



расм. Мих учининг киритилиш ҳисобий узунлигини аниқлаш



12-расм. Михларни қин қаторли қилиб жойлаштирилиши

пўлат цилиндрсимон михчўпларга оид қоидалар бўйича аниқланиши керак

Суғурилишга ишлайдиган олдий ва бурама михли бирикмалар

5.24. Михларни суғурилишга қаршилигини иккинчи даражали унсурларга (туша-малар, шиплар қопламалари ва х.к.) унсурларда еки михларнинг суғурилиши уларнинг михчўп каби ишлаши билан бирга бажарилаётган конструкцияларда ҳисобга олиш руҳсат этилади.

Михларни суғурилишга ишлашини, олдиндан тешилган тешикларга қоқилган, учи-кэти тарафига (толаларига бўйламасига) қоқилганда, ҳамда конструкцияларга динамик таъсирот мавжуд бўлганда ҳисобга олишга руҳсат этилмайди.

5.25. Ёғочга, ўнинг толаларига қўндалангига қоқилган битта михнинг суғурилишга ҳисобий юк кўтариш қобилияти, МН (кгк) ларда, қуйидаги ифода бўйича аниқланиши керак:

$$T_{\text{сн}} = R_{\text{сн}} \pi d l_1 \quad (56)$$

бу ерда $R_{\text{сн}}$ михнинг, ёғоч билан туташган бирлик юзасига туғри келади-ган, суғурилишга ҳисобий қаршилиги бўлиб, ҳаводаги қуруқ ёғоч учун 0,3 МПа (3кгк/см²)га, конструкцияда қурийдиган ким ёғоч учун - 0,1 МПа (1 кгк/см²)га тенг қилиб олинishi керак d михнинг диаметри(см), l_1 -5 20-бандга биноан аниқланадиган, михни суғурилишга қаршиллик кўрсатувчи киритилган қисмининг ҳисобий узунлиги, м(см)

Изоҳлар 1 Ҳаводаги қуруқ ёғоч учун суғурилишга ҳисобий қаршилигини, оширилган нэмлик ва ҳарорат шароитларида, ҳамда қисқа муддатли ва вақтинчалик доимий ва узоқ муддатли юклар таъсиринг ҳисоблаганда, мазкур меъёرنинг 3 26 ва 3 28-бандларидаги 5-, 6-жадвалларда келтирилган коэффицентларга қўлланирилиши керак

2. Михларнинг диаметри 5мм дан катта бўлганда, ҳисобловга 5мм га тенг диаметр киритилади

5 26 Михнинг киритилиш қисми узунлиги михланаётган ёғоч унсур қалинлигининг икки бараваридан кам бўлмаслиги ва 10d дан кам бўлмаслиги керак.

қобиятини, кН (кгк) ларда, қуйдаги ифода бўйича аниқлаш керак:

$$T_{\text{плк}} = R_{\text{плк}} \cdot d \cdot l \quad (58)$$

бу ерда $R_{\text{плк}}$ - лаппаксимон ёғоч миҳнинг кенглиги бўлиб, см, бириктирилаётган унсурларнинг эни бўйи сидирға утадиган лаппакларда уларнинг кенглиги $b_{\text{плк}}$ га ва сидирға ўтмайдиган лаппакларда $b_{\text{плк}} 0,5b$ тенг қилиб олиниши керак.

Епиштириб бириктириш учун бошқа зотли ёғочлар қўлланилган ҳолларда 4-жадвал бўйича (ёрувчи ҳучланишлар учун) тўғриловчи коэффициент киритилиши керак.

Оширилган ҳамлик ёки ҳароратлар шароитларида қисқамуддатли ёки доимий ва узоқ муддатли зақтинча юкларга ҳисобланадиган конструкциялар учун лаппаксимон ёғоч миҳнинг ҳисобий юк кўтариш қобиятини 5- ва 6-жадваллар ва 3.26 ва 3.2в бандлар бўйича тўғриловчи коэффициентларга қўйиши керак.

Сўғурилишга ёки эзилишга ишловчи, елимланган пулат стерженлардаги бирикмалар

5.30. А-II ва ундан юқори синфдаги, диаметр 12 дан 25 мм гача булган даврий профилли арматуралардан қилинган, сўғурилишга ва эзилишга ишловчи елимланган пулат стерженли бирикмаларни, атрофидати ҳавонинг ҳарорати 35° дан ортиқ бўлмағанда А1, А2, Б1 ва Б2 эксплуатация шароитларида қўллашга руҳсат этилади.

Изоҳ. Ёнгин пайтида метали оловнинг туғридан-туғри таъсирига учрайдиган очик бирикмаларда елимланган стерженларни қўллаш руҳсат этилмайди.

5.31 Олдиндан тозаланган ва мойсизлантирилган стерженларни елимлашни пармалаб олинадиган тешик ёки фрезалаб олинадиган ўйикларда, эпоксид қатронлар асосидаги тақиблар билан амалга ошириш керак (14-расм). Тешик ёки ўйик-ларнинг диаметрларини елимланадиган стерженларнинг номинал диаметрларидан 5 мм га каттароқ қилиб олиниши керак.

5.32. Елимланадиган стерженнинг, қарағай ва арчалардан қилинган ёғоч конструкциялар унсурларининг чузилган ва сиқилган туташма чокларидаги, толалари бўйлаб ва кўндалангига сўғурилишга ёки эзилишига ҳисобий юк

Сўғурилишга ишлайдиган миҳларнинг жойлаштирилишини силжишга ишловчи миҳларнинг жойлаштирилиши қоидалари бўйича (5.21-бандга қаралсин) амалга оширилиши керак.

5.27. Толаларига кўндаланг қилиб буралган битта бурама миҳ ёки глуҳарнинг сўғурилишга ҳисобий қаршилиги, МН (кгс) ларда, қуйдаги ифода бўйича аниқланиши керак:

$$T_{\text{бурама}} = R_{\text{бурама}} \cdot d \cdot l \quad (57)$$

бу ерда $R_{\text{бурама}}$ - бурама миҳ ёки глуҳарнинг, бурама миҳ резбали қисмининг ёғоч билан туташган бирлик юзасига тўғри келувчи, сўғурилишга ҳисобий қаршилиги бўлиб, ҳаводаги қуруқ ёғоч учун 1 МПа (10 кг/см²) га тенг қилиб олиниши керак, сўғурилишга ҳисобий қаршилиқни, мос ҳолатларда мазкур меъёرنинг 5-, 6-жадваллари ва 3.26 ва 3.2в-бандларида келтирилган коэффициентларга қўйиши керак, d-бурама миҳ резбали қисмининг таъши диаметри, м (см); l-бурама миҳнинг сўғурилишга қаршилиқ кўрсатувчи резбали қисми узунлиги, м (см).


Мурватларнинг ўқлари орасидаги масофа $S_1=10d$; $S_2=S_3=5d$ дан (10-расмга қаралсин) кам бўлмаслиги керак.

Лаппаксимон ёғоч миҳли бирикмалар


5.28. Эман ёки оқ қайиндан қилинган лаппаксимон ёғоч миҳларни (лаппакларни), эгилишга ва эгилишни сиқилишга ишлайдиган, қурилиш сўйрилигига эга булган тузилма унсурлардаги чорқирра қўлаларни епиштириб бириктириш учун қўллашга руҳсат этилади. Лаппаклар ва улар учун уяларнинг ўлчамларини, ҳамда епиштириб бириктирилаётган унсурларда уларнинг жойлаштирилиши 13-расмга қўра қабул қилиш лозим. Лаппаклардаги толалар йўналиши унсурларнинг епиштириб бириктириш текислигига тик йўналишда бўлиши керак.

Кесимнинг баландлиги бўйича участкадан ортиқ унсурларни епиштириб бириктириш, ҳамда уз, ласига тиркаб бириктирилган унсурларни қўллаш руҳсат этилмайди.

5.29 Қарағай ва арчалардан қилинган унсурларнинг бирикмаларидаги, эман ёки қайиндан қилинган, ўлчалари 13-расмга қўра, лаппаксимон ёғоч миҳнинг ҳисобий юк кўтариш



13-расм. Лапаксимон ёғоч михли бирикмалар
а- сидирға утувчи лапакли, б- сидирға утмайдыган лапакли



14-расм. Даврий профилли арматура-
лардан қилинган өлимланган пүлг
стерженли бирикмалар
а - пармалаб олинадыган төшикларда-
ги, б- фрезалаб олинадыган
уйиқлардаги

кутариш қобилиятини, МН (кгк) ларда
куйидаги ифода буйича аниқлаш керак

$$T = R_{ca} \cdot d + 0.005 \cdot p_{ca} \cdot (T = R_{ca} \cdot d + 0.5 \cdot p_{ca}) \quad (59)$$

бу ерда d - өлимланадыган стерженнинг
номинал диаметри, м(см); l - стержен-
нинг киритиладыган қисми узунлиги бу-
либ, ҳисоблаш орқали, аммо $10d$ дан
кам ва $30d$ дан катта булмаган қилиб
олиниши керак; K_c - силжиш-кучлани-
шининг, стерженнинг киритиладыган
қисми узунлигига ёғлиқ ҳолда нотөкис
тарқалишини ҳисобга олувчи коэффи-
циент бўлиб, куйидаги ифода буйича
аниқланиши керак:

$$K_c = 1.2 - 0.02 \cdot \frac{l}{d} \quad (60)$$

бу ерда R_{ca} - ёғочнинг ёрилишга ҳисоб-
бий қаршилиги бўлиб, МПа (кгк/см²)
ларда, 5г банд 3-жадвал буйича
аниқланади.

5.33 Толалар буйлаб эзилишда
сугурилишга ийлайдыган, өлимланган
стерженлар ўқлари өрасидаги масофа-
ни камида $S_2 = 3d$, тэшки ёқларгача эса,
камида $S_3 = 2d$ қилиб олиниши керак.

6 ЕҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ЛОЙИ- ХАЛАШ БҒИИЧА КҒРСАТМАЛАР Умумий курсатмалар

6.1 Еғоч конструкцияларни лойиха-
лашда.

а) ёғоч конструкцияларни тайёрловчи корхоналарнинг ишлаб-чиқариш имкониятлари ҳисобга олиниши;

б) транспорт воситаларининг имкониятлари ҳисобга олиниши;

в) ёғочдан имкони борида кам чиқит ва исрофгарчилик билан фойдаланиш;

г) монтаж ва эксплуатация қилиш жараёнида айрим конструкцияларнинг ҳамда ялпи бино ёки иншоотнинг умумий устиворлиги ва ўзгармаслигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўзда тутилиши лозим.

6.2 Ёғоч конструкцияларда ёғоч ҳароратининг ўзгаришидан, ҳамда ёғочнинг қуриши ва бўқишидан толлари бўйлаб вужудга келадиган кучланиш ва деформацияларни ҳисобга олиш керак эмас.

Тиралма бўлмаган ёғоч конструкциялар оралиқлари 30 м дан катта бўлганда, таянчларидан бирортаси ҳаракатланувчи бўлиши керак.

6.3 Ёғоч конструкцияларни ҳисоблашда ишқаланиш кучи таъсирини қуйидаги ҳолларда ҳисобга олмоқ лозим:

а) агарда тизимнинг мувозанати, унсурнинг доимо тиралиб туриши ва динамикага оид юкнинг бўлмаслиги шароитида, фақат ишқаланиш билан таъминланган бўлса, бўлса ёғочнинг ёғоч бўйича ишқаланиш коэффициентини қуйидагиларга тенг қилиб олиниши керак:

уч-кетнинг ен сирт бўйлаб - 0,3;
ен сиртларнинг - 0,2;

б) агар ишқаланиш конструкция ва бирикмаларнинг иш шароитини ёмонлаштирадиган, унда ишқаланиш коэффициенти 0,6 га тенг қилиб олиниши керак.

6.4. Тилинган ёғочлардан қилинган чузилувчи ва эгиладиган унсурларнинг қирраларида кучсизланишларга йўл қўймаслик лозим.

6.5. Юмалоқ ёғоч материаллардан қилинган унсурларни устиворликка ҳисоблов, унсур ҳисобий узунлигининг қоқ уртасида жойлашган қисми бўйича, мустаҳкамликка эса, энг катта эгувчи моментга эга бўлган қисми бўйича амалга оширилиши керак.

6.6. Ёғоч конструкцияларнинг фазовий биқрлиги уфқий ва тик боғловчилар ўрнатилиш билан таъминланиши керак.

Қўдаланг боғловчилар тепа белбоғлар текислигида ёки юк кўтарувчи конструкцияларнинг усти бўйича жойлаштирилиши керак.

Боғловчи фермаларнинг белбоғлари сифатида юк кўтарувчи конструкцияларнинг тепа белбоғларидан ёки бутун қисмидан фойдаланиш лозим.

6.7 Қоплама тахтасининг таянч қисми ўлчови 5,5 см дан кам бўлмаслиги керак. Қоплама тахталари юк кўтарувчи конструкцияларга ҳар бир томонидан, силжиш ва ўзилиш зурқишларини қабул қилувчи бирикмалар билан маҳкамланиши керак.

6.8 Чузилувчи ёғоч унсурлар туташма чокларни битта қесимда бчрлаштириб, уларни пўнги цилиндрсимон ёғоч михлар ёки булак бирикмалардаги қоплагичлар билан қоплаб амалга ошириш керак.

Чузилувчи унсурлар туташмаларининг конструкциялари чузувчи зурқишни ўқи бўйлаб узатилишини таъминлаши керак.

6.9 Турли қайишқоқликка эга боғловчилардаги бирикмали тугунлар ва туташма чокларни, ҳамда бир қисми бевосита, бир қисми эса оралиқ унсур ва бирикмалар орқали бириктирилган ёғоч унсурларнинг туташма чокларни қўлламаслик лозим.

6.10 Ёғоч конструкцияларнинг унсурлар, унсурларнинг эксцентрикавий ҳолатда бирикуви ҳисобий қесимга таъсир этувчи эгувчи моментни камойтирадиган ҳолларни исқисно қилинганда, тугунларда, туташма чокларда ва таянчларда марказлаштирилиши керак.

6.11 Конструкция унсурлари тугун ва туташма чокларда болтлар билан тортилган бўлиши керак, қайишқоқ бирикмалардаги тузилма унсурлар эса, тугунлар оралиқида ҳам тортилган бўлиши керак.

Цилиндрик ёғоч михли бирикмаларда туташманинг ҳар икки томонидан камида уфқидан тортқич болтлар қўйилган бўлиши керак.

Тортқич болтларнинг диаметри d ни ҳисоблаш орқали, аммо 12 мм дан кам бўлмаган қилиб олиниши керак. Тортқич болтлар шайбаларининг тормонлари ёки диаметри камида $3,5 d_6$ ва қалинлиги камида $0,25 d_6$ ўлчамга эга бўлиши керак.

6.12 Юк кўтарувчи шипарак конструкциялар ёғоч унсурлари нетто қўдаланг қесимининг юзаси 50 см^2 дан кам бўлмаслиги, ҳамда симметрияга ҳос кучсизлантирилишида гула юзаси брутто қесимининг 0,5 идан ва носимметрик

заифланишда 0,67 дан кам бўлмаслиги керак

Тўсинлар, сарровлар, тўшамалар

6.13 Тўсинлар, сарровлар, тўшамалар, панжара тахталари ва бошқа эгилувчи унсурлар мустақимликка эга салқиликка ҳисобланган керак. Энг катта соҳаларнинг қирғиқлари КМК 2.01.07-96 да қўрабтилганларидан кичири бўлмаслиги керак.

6.14 Тошмада ости тўшамалари ва панжара тахталари оққорнинг қуйдаги ўлчуланишга ҳисобланган керак:

а) қордан, доний ва вақтинчалик (мустақимликка ва салқиликка ҳисоблов);

б) тўланган юкдан, деимий ва вақтинчалик, κ_n (100 кг), охиригисини орттирма юкантириш коэффициентини $\approx 1,2$ га кўпайтириб (фақатгина мустақимликка ҳисоблов).

Сидирга яланг тўшамда ёни ки тахта-лар ёки чорқирра гўлачалар ўқлари орасидаги масофаси 150 мм дан катта бўлмаган сийраклаштирилган тўшамда тўланган юкдан тушадиган юклемаларни иккита тахта ёки чорқирра гўлачага, масофаси 150 мм дан катта бўлганда эса - битта тахта ёки чорқирра гўлачага узатилиши керак. Қўшалок (ишчи ва ишчисига бурчак остида йўналтирилган ҳимояловчи) тўшамда тўланган юк ишчи тўшаманинг 500 мм ли кенлигига тақсимланиши керак.

6.15. Таянчдаги бир бутун ёғочдан қилинган эгилувчи унсурлар қўзилиш соҳасида $a \leq 0,25h$ чуқурликка эга бўлган қирқма уймалар қуйдаги шарт бажарилган тақдирда рухсат этилади:

$$\frac{A}{bh} < 0,4 \text{ МПа} = 4 \text{ кг/см}^2, \quad (61)$$

бу ерда A - ҳисобий юкдан пайдо бўлган таянч акстаъсири;


b ва h - унсур қўндаланг кесимининг қирқма уймасиз кенлиги ва баландлиги.

Қирқма уйманинг таяниш майдон-часи узунлиги c , кесим баландлиги h дан катта бўлмаслиги қия ўйилган жой-нинг узунлиги c , эса a -чуқурликнинг икки бараваридан кам бўлмаслиги ке-рак (15-расм).

6.16. Рафақ-тўсинли сарровларда ошиқ-мошиқларни қия кесиклар қури-нишида амалга оширилиши керак.

Тўланган юкларни конструкция-ларнинг юк кўтарувчи унсурларига уза-

тишни устки ёқлари орқали амалга оширилиши керак.



15-расм. Тўсиннинг қия ўйилган учи

Тўзинма тўсинлар

6.17. Қайишқоқ боғловчиларли тў-зинма тўсинларга боғловчилар ўрнатил-гунигача, унсурларни букча йўли билан уларга қурилиш сўйрилигининг шаклини бериш керак. Қурилиш сўйрилигини (тўсиннинг кейинчалик тўриланишини ҳисобга олмасдан) тўзинма тўсиннинг ҳисобий юк остидаги салқилигига нис-батан бир ярим баробар катталашти-риб олиниши керак.

6.18. Чорқиррасимон тўзилма тў-синларни учтадан кўп бўлмаган чорқирра гўлаларни лаппаксимон ёғоч миҳлар ердимида епиштириб бирикти-рилиши керак.

Елимланган тўсинлар

6.19. Ошиқ-мошикли таянадиган елимланган тўсинларга оралигининг 1/200 га тенг бўлган қурилиш сўйрили-ги берилиши керак. Елимланган эгилув-чи ва сиқилиб-эгилувчи унсурларда, қирғиқига яқинроқ соҳаларида қўндал-ланг кесими баландлигининг 0,15 қисми учун, y бўйича (R_n , R_c) ҳисобий қаршиликлари тайинланадиган, нави юқорироқ бўлганини ишлатиб, икки на-вали ёғочларни бирга ишлатиш руқоат этилади.

6.20. Ясси фанер деворчали елим-ланган тўсинларнинг белбоғларини тик жойлаштирилган қатламлардан (тахта-лардан) бажарилиши керак. Қутисимон кесимли тўсинлар белбоғларида қат-ламларни уфқий жойлаштирилишига руқсат этилади. Агар белбоғларининг баландлиги 100 мм дан ошса, уларда деворча томондан уфқий тилинмалар кузда тутилиши керак.

Тўсинларнинг деворлари учун қалинлиги камида 8 мм бўлган сувага чидамли фанерлар қўлланилиши керак.

Фермалар

6.21. Узлукли ва узлуксиз белбоғли фермаларни ҳисоблашни, деформация-ланган ҳолатда бўйича тугун бирикмала-

рининг қийиншоқлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Узлуksиз бўлганлиги формаларда унсурлардаги ўқга оид зўриқинчлари ва силжишларини ошиқ-мошиқлиги тугунлар деб фарз қилиб аниқланишга руҳсат этилади.

Б.22. Формаларни, олимланган конструкцияларда юқоридаги ва пастдаги бўлбонлари бўйича букиш йўли билан амалга ошириладиган, ора-лигининг 1/200 узунлидан кам бўлмаган қўрилган сўрилган билан лойиҳаланиши керак.

Б.23. Формалар сиқилган унсурларининг ҳисобга узунлигини, уларни форма текислигида устиворликка ҳисоблашда, тугунлар маркази орасидаги, текислигидаги сини эса - улар текислигидан ташқарида маҳкамланган нўқталари орасидаги масофаларга тенг қилиб қабул қилилиши керак.

Б.24. Форма панжаралари унсурларини тугунларда марказлаштириш керак. Форма тугунларининг марказлаштирилган ҳолида, унсурларда ҳосил бўладиган эгувчи моментлар ҳисобга олиниши керак. Формаларнинг сиқилган бўлбонларидаги туташма чоклар формалар текислигидан чиқибдан маҳкамланган тугунларда эки т.р. улар яқинида жойлаштирилиши керак.

Арка ва равоқлар

Б.25. Арка ва равоқларни мустаҳкамликка 4.17-банд курсатмаларига мувофиқ ва эгрилик текислигидаги устиворликка 4.2-банднинг (б)-ифодаси бўйича 4.17-бандни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблалиши керак, шу ўринда унсурларнинг ҳисобий узунлиги l_0 ни қуйидагича қабул қилиниши керак.

а) деформацияланган шакл бўйича мустаҳкамликка ҳисоблаганда.

икки ошиқ-мошиқли арка ва равоқлар учун симметрик юкларда $l_0=0,35S$,

уч ошиқ-мошиқли арка ва равоқлар учун симметрик юкларда $l_0=0,58S$,

икки ошиқ-мошиқли ва уч ошиқ-мошиқли арка ва равоқлар учун қиясимметрик юкларда-қуйидаги ифода бўйича

$$l_0 = \frac{\pi r}{2\sqrt{1-\mu^2}} \quad (62)$$

бу ерда μ - ярим арканинг марказий бурчаги, рад.
S - арка эки равоқ ейининг тула узунлиги.

Калитидаги синиш бурчаги 10° дан катта бўлган уч ошиқ-мошиқли ўқсимон

аркалар учун, юкларни барча турларида $l_0=0,5S$

Уч ошиқ-мошиқли аркаларни нонсимметрик юкларга ҳисоблаганда ҳисобий узунлиги $l_0=0,58S$ қилиб олишга руҳсат этилади.

б) эгрилик текислигида устиворликка ҳисоблаганда, икки ошиқ-мошиқли ва уч ошиқ-мошиқли арка ва равоқлар учун $l_0=0,58S$.

Б.26. Уч ошиқ-мошиқли аркани деформацияланишининг ясси шаклидаги устиворликка ҳисоблашда 4.18-банд бўйича амалга оширилиши керак.

Б.27. Аркаларни деформацияланиш шакли бўйича мустаҳкамликка ва деформацияланишининг ясси шаклини устиворликка ҳисоблашда N ва M қийматларни (юкланишининг текширилган ҳоли учун) энг катта моментларга эга бўлган қесимларда қабул қилиниши керак. ξ эки ξ_1 ва ξ_2 коэффициентларни эса, 4.17-банд (30)-ифодаси бўйича, унга арканинг қалит қесимидаги сиқувчи куч N_0 ни қўйиш билан аниқланиши керак; аркани эгрилик текислигида устиворликка ҳисоблашда 4.2-банд (б)-ифодаси бўйича худди ўша N_0 сиқувчи кучга амалга оширилиши керак.

Ромлар

Б.28. Уч ошиқ-мошиқли ромлар унсурларини, уларнинг текислигидаги мустаҳкамликка ҳисоблашда, ҳисобий узунлиги ярим ромнинг ўқ чизиги бўйича узунлигига тенг бўлган сиқувчи-эгиловчи унсурларни ҳисоблаш қондалари бўйича бажариш руҳсат этилади.


Б.29. Ташқи тарҳи бўйича мустаҳкамланган уч ошиқ-мошиқли ромлар ясси шаклда деформацияланишининг устиворлигини 4.18-банд ифодалари бўйича текширишга руҳсат этилади. Бунда тўғри чизиқли унсурлардан иборат бўлган ромлар учун, агар хари ва устун орасидаги бурчак 130° дан катта бўлса, ҳамда эгиб елимиланган ромлар учун унсурнинг ҳисобий узунлигини ярим ромларнинг ўқ чизиги узунлигига тенг қилиб олиниши керак. Устун билан хари орасидаги бурчак 130° дан кичик бўлганида, хари ва устуннинг узунлигини, уларнинг маҳкамланган ташқи қирраси узунлигига тенг қилиб олиниши керак.

Б.30. Нисбат $h/r \geq 1/7$ бўлганида (h - қесим баландлиги, r - эгри чизиқли қисм марказий ўқининг эгрилик радиу-

30-бет ҚМК 2.03.08-98

си) эгиб елимланган ромларнинг эгри чизиқли қисмлари (16-расмга қаралсин) мустақамликка 4 17-банд (28)-и фодаси бўйича ҳисобланиши керак, бунда ички қирраси бўйича кучланишларни текширишда ҳисобий қаршилик моменти куйидаги k_{π} -коэффициентга кўпайтирилиши керак:

$$k_{\pi} = \frac{1 - 0,5h/r}{1 - 0,17h/r} \quad (63)$$



16-расм. Эгиб елимланган ромларнинг эгри чизиқли қисмларидаги кучланишларни аниқлашга доир ҳисобий шакл

а) ташқи қирраси бўйича кучланишларни текширишда эса k_{π} -коэффициентга кўпайтирилиши керак:

$$k_{\pi} = \frac{1 + 0,5h/r}{1 + 0,17h/r} \quad (64)$$

Қундаланг қосимнинг марказий ўқидан нейтрал ўққача бўлган масофа z -ни куйидаги ифода бўйича аниқлаш керак

$$z = \frac{h^2}{12r} \quad (65)$$

Камқаватли бинолар учун ёғоч конструкциялар.

Камқаватли бинолар учун ёғоч синч

6.31. Камқаватли (1-2 қаватли) биноларни жумладан зилзиладор туманларда, қуришда сиқилишга мустақамлиги 1-7 МПа (10-50 кгк/см²) атрофида бўлган пастмустақкам деворий матери-

аллардан қилинган тўлдирувчилик юк қутарувчи ёғоч синч қўллаш руҳсат этилади.

6.32. Синч ва ораёлма унсурларининг конструкциялари, геометрик ўлчамларини ҚМК 2 01 03-96 га мувофиқ қабул қилинади.

35% ли фторли натрий аралашмалари антисептик ёки бўлак антисептиklar билан ишлов бериш шарти билан синчнинг унсурларини тиракдан тайёрлаш руҳсат этилади. Ёғоч материалларнинг навлар мажмуи ва синч унсурларининг наъмунавий бирикмаларини 7-, 8- ва 9-иловаларда қаралсин.

Электр узатиш ҳаво тармоқларининг таянчлари

6.33. Электр узатиш ҳаво тармоқлари ёғоч таянчларининг унсурлари учун юмалоқ ёғоч, тилинган материаллар ва елимланган ёғочларни қўллаш руҳсат этилади.

6.34. Таянчларнинг асосий унсурлари (устунлар, тугашма оёк, траверслар) учун қўланинг ингичка ўчи диаметри кучланиши 110 кВ ва ундан юқори бўлган ЭУТлар учун 18 см дан кам бўлмаслиги ҳамда кучланиши 35 кВ ва ундан паст ЭУТлар учун 16 см дан кам бўлмаслиги керак.

Кучланиши 35-кВ ва ундан юқори бўлган ЭУТлар таянчлари тугашма оёқларининг (бақчилари, қозик-оёқлари) диаметрлари 18 см дан кам бўлмаслиги керак. Таянчларнинг ердамчи унсурлари учун қўланинг ингичка ўчи диаметри 14 см дан кам бўлмаслиги керак.

6.35. ЭУТ таянчлари унсурларининг тугашишини, қоидага кўра, ўймаларсиз қилиб бажарилиши керак.

6.36. Болглارнинг диаметри 16 мм дан кичик ва 27 мм дан катта бўлмаслиги керак.

Ёғоч конструкциялар ишчиликчилигини таъминлаш бўйича конструкциявий талаблар

6.37. Конструктив чоралар ҳамда ёғочнинг ҳимоялов ишлови ёғоч конструкцияларининг ташишда, сақлашда ва монтаж қилишда асралишини, шунингдек уларни эксплуатация қилиш жараёнида умрбоқийлигини таъминлаши керак.

6.38. Конструктив чоралар куйидагиларни кўзда тутиши керак:

а) конструкция ёғочини ёғинчиликлардан, ер ости ва қор эриши

хосия булган суулардан (электр узатиш хаво тармоқларининг тавишлари бундан истисно), ишлаб чикариш сууларидан ва бошқалардан бовосита намланишидан саклани;

б) конструкциялар ёғочини музлашидан, капилляр ва куюлишдаги намланишлардан саклани;

в) кутарувчи ҳарорат-намлик йўсинини пужудан келтириш йўли билан конструкциялар ёғочини тизимий равишда кўрнатиш (ховеини табиий ва мажбурий вентилляцияси, конструкцияларда ва бино қисмларида тунуқлар, аэраторлар ўрнатиш)

6.39. Ёғоч конструкциялар очик, икки атмосфералидиган бўлиши, барча қисмлари кўриклар ўтказиш, профилактикавий таъмирлаш, ёғочни ҳимоялов ишловлари ва б. ушунг имкони борида қўлай бўлиши керак.

6.40. Истиқладиган биналарда юк кутарувчи конструкцияларни, уларнинг тўсувчи конструкциялар билан қосишмасидиган қилиб қўйиштирилиши керак.

6.41. Ёғоч конструкцияларнинг қисмларини тош доворлар ичига сидирга берк ҳолатда киритилишига иву қўйилмайди.

6.42. Очик ҳавода фойдаланиладиган юк кутарувчи олимланган ёғоч конструкциялар яхши кесимга эга бўлиши керак, бу конструкцияларнинг устки ўқий ва кия қирраларини, антисептик ишлов берилган тахталар билан, руҳланган том тунуқлари, алюминий, стеклопластик ёки бошқа атмосфера, таъсирига бардошли материаллардан қилинган шамсиялар билан ҳимоя қилиниши керак.

6.43. Юк кутарувчи ёғоч конструкцияларнинг поидоворларга, тош доворларга, пулга ва томирбетон устунларга ва конструкциянинг иссиқликни кўпроқ ўтказувчи материаллардан қилиниши керак.

бошқа унсурларига таъинишини (уларни тўғридан-тўғри тегишида) нам ихоталовчи қистирмалар орқали амалга оширилиши керак.

Юк кутарувчи конструкцияларнинг таъин қисми ўрнатиладиган ёғоч тагликларни (остиқчалар ни) антисептик ишлов берилган кўпроқ япроқли зотга мансуб ёғочлардан тайёрланиши керак.

6.44. Қуёқум ёғилиши мўмкин бўлган шароитларда эксплуатация қилинунчи конструкциялар бирикмаларидаги металл қопламалар ёғочдан нам ихоталов қатлами билан ажратилиши керак.

6.45. Юк кутарувчи ва тўсувчи ёғоч конструкцияли қопламаларни, қопдага кура, тапқи суи кечирувчи қилиб лойиҳаланиши керак.

6.46. Истиқладиган бино ва ишюгларнинг тўсувчи конструкцияларида эксплуатация жараёнида нам тўланишига иву қўйилмаслиги керак. Доворлар панелларида ва қоплама тахталарида тапқи хаво билан алоқада тўйуқлар кузда тўтилиши керак, иссиқлик тохивкаси ҳисобловида кузда тўтилган ҳолларда эса, бугтўсқич қатлами қўлланилиши керак.

Қопламалари оддий ёки бурама михлар ёрдамида ёғочли ёки фанердан қилинган олимланган сингларга ёки ёғочларга бириктирилган тахталар ва довор панелларида бугтўсқич сифатида қўйилиладиган, ўрама ва пуствоксимон материаллар синг ва қоплама оралигида улуқсиз сидирга қатлами қилиб ёкизилиши керак.

Қопламаларни синг билан өлимли бириктирилган тўсувчи конструкцияларда бўялма ёки сурқалма бугтўсқичлар қўйилилиши керак. Панеллар ва тахталар оралигидаги чоклар зичловчи материаллар билан исинтирилган ва зичланган бўлиши керак.

ЕҒОЧГА ҚҮЙИЛАДИГАН ҚҮШИМЧА ТАЛАБЛАР

Еғоч конструкциялар учун ишлатиладиган еғочларга ГОСТ 8486-86Е нинг инабарг зотли тилинган материалларга ва ГОСТ 9462-88 ва ГОСТ 9463-88ларнинг думалоқ еғоч материалларга қўйган талабларидан ташқари қуйидаги қўшимча талаблар қўйилиши керак:

а) еғочдаги йиллик ҳалқаларининг кенглиги 5мм дан катта бўлмаслиги, уларнинг таркибидаги янгирақ еғочликнинг миқдори 20% дан кам бўлмаслиги керак,

б) влимлиланган эгилювчи унсурларнинг четки чузилган соҳаси учун (кесимининг 0,15 баландлигида) 1- ва 2-навли тилинган еғоч материаллардан танаворларда ҳамда эгилишда ёки чузилишда қовурғасига ишловчи қалинлиги 60мм ва ундан кичик бўлган, 1-3-навли тахталарда ўзакка йўл қўйилмайди

2 - ИЛОВА

ҚАРАҒАЙ ВА АРЧА ЕҒОЧЛАРИНИНГ МЕЪЁРИЙ ВА ВАҚТИЙ ҚАРШИЛИКЛАРИ

12% намликка келтирилган, навли тилинган еғоч материал ва соф еғочнинг мос ҳолдаги меъёрий қаршиликлари R^{sp} ва R^{sp}_c (0,95 таъминланганлик билан) ва вақтий қаршиликларининг ўртича қийматлари R^u ва R^u_c зўриқиш ҳолатининг асосий турлари учун қуйидаги жадвалда берилган.

Зўриқиш ҳолатининг тури	$\frac{R^u}{R^u_c}$, МПа (кгс/см ²), қуйидаги навли еғочларда			$\frac{R^u}{R^{sp}}$, $\frac{Mpa}{кгс/см^2}$ соф еғочда
	1	2	3	
1. Эгилиш:				
а) қирғоғининг к. патилишида	$\frac{26}{36} \left(\frac{260}{360} \right)$	$\frac{24}{33} \left(\frac{240}{330} \right)$	$\frac{16}{22} \left(\frac{160}{220} \right)$	-
б) қатламнинг юклантилишида	$\frac{30}{42} \left(\frac{300}{420} \right)$	$\frac{27}{37,5} \left(\frac{270}{375} \right)$	$\frac{20}{28} \left(\frac{200}{280} \right)$	$\frac{57}{80} \left(\frac{570}{800} \right)$
2. Тола бўйлаб сикилиш	$\frac{25}{33} \left(\frac{250}{330} \right)$	$\frac{23}{31} \left(\frac{230}{310} \right)$	$\frac{15}{20} \left(\frac{150}{200} \right)$	$\frac{33}{44} \left(\frac{330}{440} \right)$
3. Тола бўлаб чузилиш	$\frac{20}{34} \left(\frac{200}{340} \right)$	$\frac{15}{23} \left(\frac{150}{230} \right)$	-	$\frac{60}{100} \left(\frac{600}{1000} \right)$
4. Тола бўйлаб ерилиш	$\frac{36}{6} \left(\frac{36}{60} \right)$	$\frac{3,2}{5} \left(\frac{32}{50} \right)$	$\frac{3,2}{5} \left(\frac{32}{50} \right)$	$\frac{4,5}{7} \left(\frac{45}{70} \right)$

И з о ҳ л а р: 1. Синаб қўриладиган тилинган материаллар наъмуналари қўдаланг кесимининг ўлчовлари навлар мажмуи бўйича уларнинг қалинлигига мос равишда қабул қилинади

2. Вақтий қаршиликлари: тилинган материаллар ва улардан қилинган яхли ва тишли бирикмаларда туташтирилган танаворлар учун ГОСТ 15613 4-78*, ГОСТ 21554 2-81, ГОСТ 21554 4-78, ГОСТ 21554 5-78* ГОСТ 21554 6-78* ларга биноан синовлар бўлича, соф еғоч учун- ГОСТ 4.208-79 талабларига биноан кичик наъмуналарнинг синовлари бўйича аниқланиши керак. Сайланма назорат синовларида ГОСТ 18321-73* ва ГОСТ 20736-75* ларга амал қилиниши керак

3. Чорқирра ва думалоқ еғоч материаллар мустаҳкамлигини навланиш белгилари ва 1-илованинг қўшимча талаблари бўйича кўз билан чамалаб баҳолашга руҳсат этилади

4. Узунлиги бўйича тишсимон туруми кийдириб уланган тилинган материаллардан қилинган танаворларнинг эгилишига синовлардаги ва қатлами бўйлаб юклантиришлардаги мустаҳкамлиги 16-бандда 1-нав учун кўрсатилган қийматларидан паст бўлмаслиги керак

СИНТЕТИК ЕЛИМЛАРНИ ҚҰЛАШНИНГ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН СОҲАЛАРИ

Елим тури	Елим маркаси	Гуруҳ	Қўллаш тавсия этиладиган соҳалар
Резорцинли	ФР-12	I	Кўпроқ фукоро қурилишлари учун энг оғир шароитларда фойдаланиладиган кўпораликли конструкцияларда
Фенолно-резорцинли	ФРФ-50	I	Кўпроқ саноат ва кишлок хўжалиқи қурилишлари учун, энг оғир шароитларда фойдаланиладиган кўпораликли конструкцияларда
Фенолли	КБ-3, СФХ	II	Кўпроқ кишлок хўжалиқи қурилишларида, оғир шароитларда фойдаланиладиган оммавий қўлланиш конструкцияларида
Алкилрезорцинли	ФР-100, ДФК-1АМ ДФК-14Р	II	Худди ўшандай
Фенолно-алкилрезорцинли		II	Худди ўшандай
Карбамидли-меламинли	КС-В-СК	III	Ҳавонинг нисбий намлик 85 % гача бўлганда фойдаланиладиган конструкцияларда
Карбамидли	КФ-Ж ЭПЦ-1, К-153	IV	Худди ўшандай 70 % гача бўлганда
Эпоксидли		V	Еғоч конструкцияларнинг елимланган пўлат стерженли бирикмалари учун
Модификацияланган фенолно-резорцинли	ФРФ-50М	V	Худди ўшандай

4 - ИЛОВА

ЕҒОЧ ВА ФАНЕРНИНГ ЗИЧЛИГИ

Еғочнинг зотлари	1-жадвал бўйича эксплуатация шароитлари учун конструкциялардаги еғочнинг зичлиги кг/м³	
	A1, A2, B1, B2	қолган ҳаммаси
Нинабарглилар:		
тилоғоч	650	800
қарағай, арча, ирвит, оқ қарағай	500	600
Қаттиқ япроқлилар:		
эман, оқ қайин, қорақайин, шумғол, заранг, граб, акас, қайрағоч ва ильм	700	800
Юмшоқ япроқлилар:		
тоғтерак, терак, зирк, ағушон	500	600

И з о ҳ л а р: 1. Янги қесилган нинабаргли ва юмшоқ япроқли зотга мансуб еғочларнинг зичлигини 850 кг/м³, қаттиқ япроқли зотга мансублариники - 1000 кг/м³ га тенг қабул қилиш лозим.

2. Елимланган еғочнинг зичлигини елимланмаганиники каби олиниши керак.

3. Одаддаги фанернинг зичлигини, пайраҳалилар еғочнинг зичлигига, бакелизацияланганиники эса - 1000 кг/м³ тенг қилиб олиниши керак.

СИКИЛУВЧИ, ЭГИЛУВЧИ ВА СИКИЛИБ ЭГИЛУВЧИ
УНСУРЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР (1-, 2-, 3-жадв.)

1 - жадвал

Кесимининг баландлиги ўзгарувчан ва кенглиги доимий бўлган сиқилувчи ва сиқилиб-эгиловчи унсурларни ҳисоблаш учун $K_{\Sigma N}$ коэффициентининг қийматлари.

Унсурларнинг таяниш шартлари	Текширишдаги $K_{\Sigma N}$			
	Тўғри бурчак кесимли унсурларни		Баландлиги доимий бўлган куштавр ва кутисимон кесимлардаги унсурларни	
	Y, Z текислигида	X, Z текислигида	Y, Z текислигида	X, Z текислигида
	$(0,4 + 0,6\beta)\beta$	$0,4 + 0,6\beta$	β	L
	$0,07 + 0,93\beta$	$0,66 + 0,34\beta$	$0,35 + 0,65\beta$	L

2 - жадвал

Деформацияланишнинг ясси шакли устиворлигини ҳисоблаш учун K_{Φ} ва $K_{\Sigma 1}$ коэффициентларининг қийматлари


Моментлар эпюраларининг шакли	K_{Φ}		$K_{\Sigma 1}$	
	l_p қисмининг икки учидан маҳкамланганида	Икки учи ва М.моментдан чўзилган киррасидан маҳкамланганида		
	1	1	$\beta^{1/2}$	$\beta^{1/2}$
	$1,75 - 0,75d$ $0 < d \leq 1$	$\frac{3}{2+d}; 0 \leq d \leq 1$	$\frac{1}{\beta^{3-d}}$	$\beta^{1/2}$
	$2 - (0,5+d)/2$ $-1 \leq d \leq 0$	$\frac{3}{2+d}; -2 \leq d \leq 0$	$\frac{1}{\beta^{3-d}}$	$\beta^{1/2}$
	$1,35 + 1,45(c/l_p)^2$	$1,35 + 0,3(c/l_p)$	$\frac{1}{\beta^{2+2c/l_p}}$	$\frac{1}{\beta^{3-2c/l_p}}$
	1,13	1,13	$\beta^{1/2}$	$\mu^{2/5}$
	2,54	2,32	$\beta^{1/4}$	$\mu^{1/2}$

Кесимнинг узгарувчанлиги ва силжиш деформациясини ҳисобга олган ҳолда тўсинлар салқилигини ҳисоблаб чиқиш учун k ва c коэффициентларининг қийматлари


Тўсиннинг кўндаланг кесими	Ҳисобий шакли	k	c
Ўғрибурчакли		b	0
Бу ҳам		$0.23+0.77b$	$16.4+7.6b$
Бу ҳам		$0.5d(1-0.5\alpha)b$	$[45.24d(1-b)+$ $+3b] \times \frac{1}{3.4d^2}$
Бу ҳам		$0.15+0.85b$	$15.4+3.8b$
Кўштаврли		$0.4+0.6b$	$(45.3-6.9b) \gamma$
Ўғрибурчакли		$0.23+0.77b +$ $+0.6\alpha(1-b)$	$[8.2+2.4(1-b)\alpha +$ $+3.5\alpha] \times \frac{1}{(2+\alpha)(1-\alpha)}$
Бу ҳам		$0.35+0.65b$	$5.4+2.6b$

Изоҳ. γ - кўштаврли тўсиннинг белбоғлари юзасини деворининг юзасига нисбати (деворининг баландлиги деб белбоғлар оғирлик марказлари оралиғи олинади)

Тўсин ва тахталарнинг фанерли деворларини ҳисоблаш учун графиклар
(17, 18, 19-расмлар)



17-расм. ФСФ маркали оқ қайин фанерининг ташқи қатлами толаларига α бурчак остида чўзилгандаги ҳисобий қаршилигини ҳисоблаш учун графиклар
а - еттиқатламли; б - бешқатламли.




18-расм. Фанернинг ташқи қатламларида толаларнинг оралик бўйлаб жойлашгандаги K_1 коэффициенти аниқлаш учун графиклар

1- 7мм ва ундан катта қалинликдаги ФБС ва ФБСВ маркали бакелизацияланган фанерлар учун;

2- 8мм ва ундан катта қалинликдаги ФСФ маркали оқ қайин фанерлари учун

Белгиланиш $\gamma = \frac{q}{h_m}$ (q - тўсинларнинг бирлик қовурғалари орасидаги масса).

h_{cr} - деворнинг, токчаларининг ички еқлари орасидаги баландлиги)



19-расм. K_1 -ни аниқлаш учун графиклар

1- А ташқи қатлам толаларининг йуналиши панелнинг кичик томонига мувозий бўлгандаги, 7 мм ва ундан катта қалинликдаги ФБС ва ФБСВ маркали бакелизацияланган фанер учун; 1-Б - ташқи қатлам толаларининг йуналиши панелнинг кичик томонига тик бўлгандаги, 7мм ва ундан катта қалинликдаги ФБС ва ФБСВ маркали бакелизацияланган фанер учун, 2-Б- ҳудди ушандай, 8 мм ва ундан катта қалинликдаги ФСФ маркали оқ қайин фанери учун.

ГОСТ 24454-80* БҲЙИЧА НИНАБАРГ ЗОТЛИ ТИЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
НОМИНАЛ ҲЛЧАМЛАРИ

Қалинлиги ва кенглигининг номинал Ҳлчамлари (мм)

Қалинлиги	Кенглиги								
	75	100	125	150	175	200	225	250	275
16	75	100	125	150	175	200	225	250	275
19	75	100	125	150	175	200	225	250	275
22	75	100	125	150	175	200	225	250	275
25	75	100	125	150	175	200	225	250	275
32	75	100	125	150	175	200	225	250	275
40	75	100	125	150	175	200	225	250	275
44	75	100	125	150	175	200	225	250	275
50	75	100	125	150	175	200	225	250	275
60	75	100	125	150	175	200	225	250	275
75	75	100	125	150	175	200	225	250	275
100	-	100	125	150	175	200	225	250	275
125	-	-	125	150	175	200	225	250	-
150	-	-	-	150	175	200	225	250	-
175	-	-	-	-	175	200	225	250	-
200	-	-	-	-	-	200	225	250	-
250	-	-	-	-	-	-	-	250	-

Изоҳ: Истеъмолчининг талабига кўра тилинган материалларни жадвалда кўрсатилмаган Ҳлчамларда тайёрлаш руҳсат этилади.

Тилинган материаллар узунлигининг Ҳлчамлари 1,0 дан 6,5 м гача 0,25 м градация билан белгиланади.

ГОСТ 2695-83* бўйича япроқли зотга мансуб тилинган материалларнинг номинал Ҳлчамлари қуйидагича белгиланади:

қалинлиги бўйича: 19, 22, 25, 32, 40, 45, 50, 60, 70, 80, 90, 100 мм;

кенглиги бўйича: ёни тилинган: 60, 70, 90, 100, 110, 130, 150, 180, 200 мм;

ёни тилинмаган ва бир ёни тилинган: 50 мм ва ундан катта 10 мм ли градация билан.


Узунлиги бўйича:

Қаттиқ япроқли зотга мансубларидан 0,5 дан 6,5 м гача 0,10 м ли градация билан;


Юмшоқ япроқли зотга мансубларидан ва оқ қайиндан 0,5 дан 2,0 м гача 0,25 м градация билан ва 2,0 дан 6,5 м гача 0,25 м градация билан.



МАХАЛЛИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ҚИЛИНАДИГАН БИР КАВАТЛИ БИНОЛАРНИНГ
"АЪНАВИЙ СИНЧИ УЎСURLАРИНИНГ ХИЛДАНГАН БИРИКИШ ТУГУНЛАРИ
УЎЛАР БЎЙОЧА.
САНИ УЎЛАР БЎЙОЧА.



Синь - не уларину пойдэбор
дэан доадниши.



	бет
1. Умумий қоидалар	1
2. Материаллар	1
3. Материалларнинг ҳисобий ҳусусиятлари	3
4. Ёғоч конструкциялар унсурларини ҳисоблаш	7
А. Ёғоч конструкциялар унсурларини биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш	7
Марказий чузилган ва марказий сиқилган унсурлар	7
Эгилувчи унсурлар	9
Уқ бўйлама кўчнинг эгилиш билан биргаликдаги таъсирига учрайдиган унсурлар	11
Ёғоч конструкциялар унсурларининг ҳисобий узунликлари ва чегаравий эгилувчанликлари	13
Фанерни ёғоч билан өлимлаб ясалган унсурларни ҳисоблашнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари	16
Б. Ёғоч конструкциялар унсурларини иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоблаш	16
5. Ёғоч конструкциялар унсурлари бирикмаларини ҳисоблаш	16
Умумий курсатмалар	16
Өлимли бирикмалар	17
Киргизма ўймали бирикмалар	18
Цилиндросимон михчўпли бирикмалар	19
Сўғурилишга ишлайдиган оддий ва бурама михли бирикмалар	24
Лаппаксимон ёғоч михли бирикмалар	25
Сўғурилишга ёки эзилишга ишловчи, өлимланган пўлат сўғрөжөнлардаги бирикмалар	25
6. Ёғоч конструкцияларни лойиҳалаш бўйича курсатмалар	26
Умумий курсатмалар	26
Тўсинлар, сарровлар, тўшамалар	28
Тўзилма тўсинлар	28
Өлимланган тўсинлар	28
Фермалар	28
Арқа ва равоклар	29
Ромлар	29
Камқаватли бинолар учун ёғоч конструкциялар. Камқаватли бинолар учун ёғоч синч	30
Электр ўзатиш ҳаво тармоқларининг таянчлари	30
Ёғоч конструкциялар ишончлилигини таъминлаш бўйича конструкциявий талаблар	30
ИЛОВА 1. Ёғочга қўйиладиган қўшимча талаблар	32
ИЛОВА 2. Қарағай ва арча ёғочларининг меъёрий ва вақтий қаршиликлари	32
ИЛОВА 3. Синтетик өлимларни қўллашнинг тавсия этиладиган соҳалари	33
ИЛОВА 4. Ёғоч ва фанернинг зичлиги	33
ИЛОВА 5. Сиқилувчи, эгилувчи ва сиқилиб эгилувчи унсурларни ҳисоблаш учун маълумотлар (1-, 2-, 3-жадв)	33
ИЛОВА 6. Тўсин ва тахталарнинг фанерли деворларини ҳисоблаш учун графикалар (17,18,19-расмлар)	33
ИЛОВА 7. ГОСТ 24454-80* бўйича нинабарг зотли тилинган материалларнинг номинал ўлчамлари	3
ИЛОВА 8. Маҳаллий материаллардан қилинадиган бир қаватли биноларнинг аънаваний синчи унсурларининг хилланган бирикиш тўғунлари	3
ИЛОВА 9. Ёғоч синчли бинолар унсурларининг хилланган бирикиш тўғунлари	3

Тақлиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон республикаси Давархитектурурилишқ номига йўллашни илтимос қиламиз.
(700011, Тошкөнт ш., Абай кўчаси, 6)